

Бадридинова Н.С.

Бухоро шаҳар 42-мактаб ўқитувчиси, БМТИ тадқиқотчиси

БОБОРАҲИМ МАШРАБНИНГ “МАБДАИ НУР” АСАРИДА ИНСОН ҚАДРИ-ШАРАФИ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация : Мақолада Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” асарида маърифатли жамият қуриш жараёнида инсон кадр-қиммати, шарафи, ҳаётининг мазмуни ва маънавий камолоти ҳақидаги фалсафий ғояларнинг баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: миллий ва умумбашарий кадриятлар, меҳр-муҳаббат, мурувват, саховат, эзгулик, ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, хокисорлик, адолат, сабр, қаноат, ғайрат,

Annotation: In the article, Boborahim Mashrab's work "Mabdai Nur" highlights the importance of philosophical ideas about human dignity, honor, meaning of life and spiritual maturity in the process of building an enlightened society in the formation of a mature generation.

Key words: national and universal values, love, kindness, generosity, goodness, will, perseverance, knowledge, prayer, intelligence, humility, justice, patience, contentment, enthusiasm.

Аннотация: В статье произведения Боборахима Машраба «Мабдаи Нур» подчеркивается значение философских представлений о человеческом достоинстве, чести, смысле жизни и духовной зрелости в процессе построения просвещенного общества, в формировании зрелого поколения.

Ключевые слова: национальные и общечеловеческие ценности, любовь, доброта, великодушие, благость, воля, упорство, знание, молитва, разум, смирение, справедливость, терпение, довольство, энтузиазм.

Ҳозирги даврда геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали курашиш, айниқса, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиқ бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” асарида инсон кадри-шарафи ва маънавий камолоти ҳақидаги ғояларнинг баркамол авлодни шакллантиришда хос аҳамиятга эгадир.

Профессор Ғайбулла ас-Салом “Шоир Машраб XVII аср фуқароси. XVII аср чўққиларидан туриб бутун жаҳонни, башариятни кўра билди. Барча рўшноликлари, зулумотлари, шарофатларию қабоҳатлари билан мавҳумотни рад этди. Қуёшга талпинди. Одамзотни бало қазодан сақлашга шошилди. Ўз инсоний хурлиги, маънавий олами, азизу муқаррамлиги, бадиий камолотида юз йиллар олдинга сакради”¹- деганда Машрабнинг инсон кадр-шарафини ҳимоя қилганлигига, инсоннинг маънавий камолоти учун жонини фидо қилганлигига эътибор қаратган.

Машрабнинг нафс ҳақидаги фиклари айниқса эътиборлидир:

Шухрат айлаб ким алардек худнамоларни кўрунг,

Зоҳиру сувратпараст ношноларни кўрунг.

Зоҳирида суфийман деб, тарки дунё айлаган,

Ботини дунёга мойил бахти қароларни кўрунг.

Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,

Нафс учун шайтон билан борган гадоларни кўрунг.

Шухратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,

Кўзда ёшим катраси дурри бақоларни кўрунг.

¹ Машраб.Девон. Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловми, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи Жалолиддин Юсуфий. Тошкент . “Янги аср авлоди” 2006. 6-бет

Бобораҳим Машраб нафси енгиш кулоли пок ишқдир, деган ғояни илгари сурган. Мутасаввиғнинг фикрича, ишқ инсонга мислсиз куч-қудрат, ғайрат-шижоат беради, ишқ, деганда меҳр-муҳаббат, мурувват, саховат, эзгулик, ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, хокисорлик, адолат, сабр, қаноат, ғайрат, камтарлик, ҳалимлик, мардлик, ҳаё, покизалик, ширинсўзлик, шафқат, умуман, инсон қалбини поклашга хизмат қиладиган, уни ўз Яратувчисига яқинлаштирадиган барча эзгу фазилатлар тушунилади. Зеро, покиза сўз ва маънолар дард ва муҳаббатдан туғилади. Ишқнинг манзили инсон кўнглидир. Кўнгли ишқ туғайли покланади. Покланган кўнглидаги ишқ илоҳий моҳият касб этади, яъни ишқ инсонни юксалтиради.

Ломакони шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,

Анбиё авлиёларни ҳовайдо қилди ишқ.

Жилвасин кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,

Ору номусдин кечиб оламга ғавғо қилди ишқ.

Билдию эшитти, Машрабнинг қарори йўқ экан,

Зоҳрин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.

Машраб фалсафасида одам зотининг асосий нуқсони нафсу ҳирс балосига мубтало бўлганлигини, бу нуқсон уни илоҳий фазилатлардан маҳрум этиши, ахлоқан тубанлаштириши, ўткинчи майл-истакларни уйғотиши, инсоний хислатлардан, ҳақиқат, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиришини айтиб, нафс аждаҳоси комидан холос бўлганлар учун фақат Оллоҳ – Ҳақ, ҳақиқатдир, деган қарашни илгари сурган.²

Унинг ижодида юксак фалсафий-тасаввуфий ғоялар заминий дарду алам, оддий инсонлар, ғарибу бенаволарнинг ночор аҳволдан қайғуриш, зулм-ситамдан портлаган адолат туйғусининг пўртанали исёни ифодаланган. Машраб фалсафаси— дунёдан норози кетган, покдил инсонларнинг виждон қичқирғи, нур қидириб, нурга талпинган, Илоҳга мушток интизор юракнинг нола-ғиғони. Унинг шеърларининг ҳдр бири бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: «Бошимдан то оёғим тутатиб хирмани оташ. Шоирнинг хуш кўрган ташбеҳлари шуъла, самандар, хуноба, чақмоқ, гулхан. Унинг ғиғони — оҳу-ноласининг чегараси йўқ, наърасидан олам ларзага келади. Агар маҳшар куни оҳ урсам, у дунёву бу дунёгина эмас, балки аршу курси, «биҳишти жовидон ҳам ўртар,- дейди дардли шоир туғёнли ҳисларининг шиддатини шоён этароқ. У маърифат аҳли кушандаси, солих, ҳалол одамларни хор этган нотанти, кажрафтор фалакнинг “устига ўтлар кўйиб”, барбод этмоққа чоғланади. Ўз ғазалларини “дарднома”, ўз юрагини эса “жароҳатхона”, “ҳасратхона”, «мотамхона», деб атайди»³.

Муҳаббат дардида овора бўлган халқни кўрдум,

Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум.

Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,

Дили тиги ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,

Зулм туғён этибдир— ҳар бириси беҳабар танҳо.⁴

Нақшбандия таълимоти тарафдорлари таркидунёчиликка қарши, бой-зодагонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, одамларни фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, хунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, ҳаттотлик, наққошлик, минатюрасозлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланганлар ва меҳнат даъват этганлар. Шунинг учун ўз даврининг йирик илм -маърифат дарғалари бўлган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳушхўлхон Ҳатак, Аҳмад Шох Дурроний, Сўфи Оллоёр, Машраб, Маҳтумқули сингари юзлаб инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаганлар ва инсонни улуғлаш, қўйлаш йўлини тутганлар.

² Raxmatova F.Q. Boborahim Mashrab va tasavvuf – tariqatlari Academic Research in Educational Sciences VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022 , 760 б.

³ Комилов Н. Тасаввуф. «МОВАРОУННАХР* нашриёти , 2009. 380 б.

⁴ Мабади нур

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, фалсафий тафаккур ақлий (рационал) ва ҳиссий (иррационал) билимларни ёнма-ён ўрганиш орқали шаклланади ва такомиллашади. Чунки тасаввуфда инсон ақли ва руҳи, замон ва инсон, суврат ва сийрат, вақт ва замон, ўзликни англаш каби қарашлар ўз аксини топган. Унда инсон ва унинг маърифати, инсоннинг руҳий кечинмалари, унинг комиллик даражасига эришиши каби масалалар биргаликда таҳлил қилинади.⁵

Тасаввуф таълимоти эҳтиросни эмас, кўпроқ фалсафий мушоҳада ва таҳлилни талаб қилади. Унинг ҳар бир рукни, йўналиши, рашҳаси, қолаверса, ҳар бир босқичи фалсафий тадқиқ ва мушоҳадага муҳтож. Бунга амал қилмаслик эса, нафақат, тасаввуфнинг ривожланиш босқичлари, қонун-қоидалари, балки унинг моҳиятини ҳам тушуниб олишимизда юзакиликка ёки бирёқламаликка олиб келади. Чунончи, тасаввуфни худога қўшилиш ҳақидаги таълимот сифатида талқин қилиш унинг моҳиятини сохталаштиришдан бошқа нарса эмас.

Жумладан, Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”сини чуқур билган Бобораҳим Машраб ҳам Мансур Халложнинг изидан бориб, унинг таълимотини чуқур эгаллаган. Бу унинг

“Ваҳдат майини пири муғон илқидин ичдим,

Мансур каби бошимни дорга тута қолдим,” деган мисраларида ўз ифодасини топган.

Шариат ва тариқат ўртасидаги муносабатда “Ал фақри-фаҳри”, “Фақирлик менинг фаҳрим” деган ҳадисга нисбатан муносабатда ҳам аён бўлади. Буюк тасаввуф намоёниси Бобораҳим Машраб “Фақирликни Муҳаммад ибн Абдуллодин ўргандим”, деб ҳитоб қилган. Ал фақру – фаҳри ҳадиси тасаввуф аҳлининг байроғига айланган эди. Чунки фақир тушунчаси тасаввуфда махсус мавқеига эга. У нафақат мақоматнинг алоҳида босқичини, балки умуман дарвешликнинг моҳиятини ҳам белгилаб келган. Тасаввуфий луғатларда фақир “улуғ бир моҳият, инсоннинг илоҳий аслидир. Фақирлик дунёнинг моли ва ахволдан ҳеч нарсага эга бўлмаслик”. Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

Ҳеч нарсамиз йўқ, Айни чоғда ҳеч кимимиз йўқ. Ҳеч нарсанинг йўқлигидан, яъни у бу нарса дейишдан ҳеч бир ғамимиз йўқ. Эгнимизда жандаю, Ўлган кунимиз мотам ҳам йўқ. Фақирнинг кулоҳ ҳам тўрт тарки –чизиғи бор. Бири дунёни, иккинчиси охиратни, учинчиси кулоҳни, тўртинчиси бошнинг ўзини тарк этишга ишора қилади. Сўфийнинг фақир дунёни тарк этишни талаб қилади, дунёгина эмас, охиратни ҳам тарк этиш керак. Бунинг маъноси шуки, Улуғ Тангри дийдорининг ошиғи учун дунё ҳам, охират тушунчасига қирадиган жаннат, дўзах ва қиёмат ҳам арзимасдир. У барча таъмаларни тарк этиб, фақат Оллоҳ дейди. Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов суфийларнинг дунёни тарк этиш ҳақидаги бу қарашлари “рофизийларнинг” “Тарки тарк” иборасига, яъни суннатни тарк этишга қарши маъносига ҳам эга. Шундай экан “исломда роҳиблик йўқ”, дейиш билан “фақирлик менинг фаҳрим” ҳадислари бир-бирларига зид деб туюлади. Шу ўринда Ҳазрати Пайғамбаримизнинг рофизийлар ҳақидаги “Арр Рофизий – килабаннари”, “Рофизийлар дўзах итларидир”, ҳамда “Кадал фақру-ал яқуна куффра”, “Доимий фақирлик куфурга олиб боради”, деган хайратомус ибораларни келтирмақчимиз. Умуман фақир тушунчаси унинг маъноси қашшоқлик, қашшоқ одам эса талабгор бўшлади.

Аммо, Оллоҳ йўлидаги фақирлик- ихтиёрий қашшоқлик, ботиний оламнинг барча ҳавасларидан холи-халос бўлиши ва илоҳий файзни қабул қилишга хозирланиши. Шунинг учун инсон камолотга интилади ва у ўз Раббига муҳтож. Демак, фақирлик бандаликнинг сифати, ҳулқи бўлиши керак. Тасаввуфшунос олимларнинг фикрича фақирликни молк-мулкнинг бўлмаслиги деб тушуниш, бир томонлама талқиндир. Фақирлик кўпроқ дунёга, мол-мулкка эгалик ҳиссининг йўқлигидир, яъни агар мол-мулк бўлса ҳам, мен бунга эга эмасман, бу Тангримнинг мулки деб билиш ва ҳамиша кўнгилда шу фикр билан юриш. Демак, “исломда роҳиблик “тарки дунё қилиш йўқ” ва “Фақирлик менинг фаҳрим” ҳадислари

⁵ Соҳибназар Каримов Тасаввуф фалсафаси. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. – 304 бет

мазмунан ўзаро номувофиқ эмас, аксинча, инсон зоти учун икки жихатни бирлаштирмак зарур. Негаки, мутлақ таркидунё ҳам, мутлақ дунёпарастлик ҳам инсон табиатига хуш келмайди.⁶

Руҳ поклигини истаб тариқатга қадам қўйган солиқ сўфийнинг мақомат даражасига етиши фақатгина авлиёлар ва Оллоҳнинг берган билимлари натижасида содир бўлишини Бобораҳим Машрабнинг қуйидаги фикрларидан ҳам билиб олсак бўлади. Бобораҳим Машрабнинг сўфийлик тариқатига кириб комиллик даражасига етган йўлларининг мазмун-моҳиятини ва унинг ўзи тушунган тариқат мазмунини ҳақида ўзининг "Ўргандим" ғазалида шундай дейди:

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдан ўргандим,

Шаҳид қонини тўкмакни каломуллодан ўргандим,

Тарику бандаликни Одаму Ҳавводан ўргандим,

Гуноҳ қилмоқни Одам сафийуллодан ўргандим.

Кўзимдин қон тўкиб, наҳий қилмоқни,

Худодан роз эшитмоқни хазрати Мусодан ўргандим.

Мақомату тажаррудни хазрати Ийсодан ўргандим,

Қиёмат ваҳмини ул хазрати Яҳёдан ўргандим.

Кўнгилнинг чоҳини Юсуфи барнодан ўргандим.

Зикр этмоқни мен Юнуси донодан ўргандим.

Мақомат сабрини Аюб ҳабибуллодин ўргандим.

Абу Бакр, Умар, Усмонга имоним кафил

Азални ҳимматини хазрати Алию аълодан ўргандим,

Фақирликни Муҳаммад ибн Абдуллодан ўргандим.

Худо лутф айлади барчани, мавлодин ўргандим”.

Машрабнинг бу сўзларини ўқир эканмиз, унинг мукамал сўфий бўлиб етишишининг илоҳий илмий асосларининг, яъни генезисининг гувоҳи бўламиз. Барча авлиёлардан илм ўрганишининг асосий сабаби уларни Оллоҳни кўрган олий ҳимматли зотлар сифатида талқин қилади ва Худолик айладим барчани, мавлодан ўргандим, деб ёзган. Бу билан Машраб, нафақат Оллоҳ билан суҳбатга бўлган ва унинг жамолини кўришга мушарраф бўлган зотларни тилга олган, балки Ҳақ ул яқин илмини Оллоҳнинг ўзидан ўрганганлигини таъкидлайди. Машрабнинг бу фикрлари юқорида таъкидлаганимиздек, Жалолиддин Румийнинг ”Кўрса ким Оллоҳни, Оллоҳий ўшал, Кўрса гар денгизни ким, моҳий ўшал”, деган фикрлари билан ҳамоҳангдир. Бу ерда Румий ҳам Машраб ҳам Ҳақ ул яқин илмини эгаллаган бундай авлиёлар ҳам Оллоҳга қўшилишни эмас, балки унинг васлига етишни, кўришни у билан суҳбат куришни орзу қилганликларини ёзган.

Шунинг учун Машраб назарида комиллик йўлини танлаган ҳар инсон энг аввало, “эски работ ”деб аталмиш бу дунёнинг машмашалари асири бўлиб қолмаслиги ва дил нутасини фақатгина Оллоҳнинг васлига етишиш, унинг дийдорини кўришга муяссар бўлишга қаратмоғи лозим. Ҳаққа етишишда руҳ ва тан ўртасидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу биринчи галда инсон табиатини нафс балосидан, нохушликлардан халос қилиш, маънавиятдан баҳраманд бўлиш, ишқ гулзорида девоналик даражасига етишиш орқали эришилади. Бу ҳақда Имом Ғаззолий шундай ёзган эди: Инсон тўртта унсурдан ташкил топган. Булар тана, ақл, руҳ ва қалбдир. Инсон бир умр қийналиб яшайди: яъни қайсининг йўлига юриш муддаога олиб келади. Ақлнинг ёки қалбнингми? Ақлда кибр бор, Сен қалбинг буюганини қил. Қалб ҳеч қачон инсонни алдамайди, деб таъкидлайди. Тасаввуф таълимотида эса инсон беш унсурдан ташкил топади: Булар, тана яъни жисм, ақл, руҳ, қалб ва нафсдан иборат.

⁶ Соҳибназар Каримов Тасаввуф фалсафаси. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. – 200 бет



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Машраб.Девон. Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи Жалолиддин Юсуфий. Тошкент . “Янги аср авлоди” 2006. 6-бет
2. Соҳибназар Каримов. Тасаввуф фалсафаси.Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. – 200 бет
3. Комилов Н. Тасаввуф. «МОВАРОУННАҲР*» нашриёти , 2009. 380 б.
4. 4. Рахматова Ф.Қ. Бобораҳим Машраб ва тасаввуф тариқатлари Academic Research in Educational Sciences VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022 , 760 б.
5. Иброҳим Ҳаққул. Машраб нафаси. www.kh-dayron.uz